

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**“ТЎҚИМАЧИЛИК МАТЕРИАШУНОСЛИГИ” КАФЕДРАСИ**

**5A320905-«ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ  
МАҲСУЛОТЛАРИ МАТЕРИАЛШУНОСЛИГИ, ЭКСПЕРТИЗАСИ  
ВА СИФАТ НАЗОРАТИ (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати)»  
МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИГИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН  
диссертация ишларини бажариш, расмийлаштириш ва химояга  
тайёрлаш бўйича услубий**

**Қ ў л л а н м а**

**Тошкент-2020**

## АННОТАЦИЯ

Услубий қўлланма диссертация ишлари доирасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш, тажрибалар ўтказиб, олинган натижаларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш ҳамда магистирлик диссертация ишини расмийлаштириш ва ҳимояга тайёрлашда магистрантларга услубий ёрдам беришга мўлжалланган. Унда илмий тадқиқот мавзусини танлаш, тажриба ўтказиш ва олинган натижаларга ишлов бериш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш бўйича тавсиялар, ҳамда диссертация иши ва авторефератини расмийлаштиришнинг асосий қоидалари келтирилган. Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, кадрлар таёрлаш миллий дастури, магистрларни тайёрлаш давлат стандартлари ва ТТЕСИда йиллар мобайнида тўпланган бой тажрибалар асосида тузилган магистирлик диссертациясини расмийлаштириш ўқув-услубий қўлланмалар асосида тузилган.

Ушбу малака амалиёт дастури тўплами 2020 йил 27 январдаги 11-сонли “Тўқимачилик материалшунослиги” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган.

ТТЕСИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ КЕНГАШИДА  
МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ВА ТАСДИҚЛАНГАН  
БАЁННОМА « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 йил

**ТУЗУВЧИ:** доц. Т.А.Очилов

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** - “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ  
стандартлаштириш ва метрология бўйича  
маслаҳатчи, т.ф.н. Ахмедов А.А.  
-ТТЕСИ, “Йигириш технологияси” кафедраси  
муdiri, доцент Ш.Р.Файзуллаев

ТТЕСИ босмахонасида \_\_\_\_\_ нусхада чоп этилган.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1. Асосий талаблар.....	5
2. Магистрлик диссертация ишига илмий раҳбарлик.....	7
3. Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари.....	7
4. Магистрлик диссертация иши мавзуси ва режасининг асосланиши.....	8
5. Магистрлик диссертациясининг мазмуни ва таркиби.....	9
6. Диссертация ҳажми ва уни расмийлаштириш қоидалари.....	12
7. Бош манбааларнинг библиографик тавсифи.....	14
Адабиётлар рўйхати.....	15
Илова.....	16

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сонли «Магистратура тўғрисида Низом» тўғрисидаги буйруғи, «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 190-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ ҳамда, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис 1-чақириқ 9-сессиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган бакалаврият негизида таълим муддати камида 2 йил давом этадиган олий таълимнинг иккинчи босқичидир. Ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан нихоясига етказилади. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги муайян мутахассислик йўналишида илмий, илмий-педагог фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура таълими давлат таълим стандарти бўйича белгиланган махсус таълим дастури асосида битирувчиларни мутахассислик бўйича фундаментал таълим ва йўналиши бўйича мукамаллаштирилган билимлар асосида, мустақил илмий фаолиятга, илмий-тадқиқот, илмий-амалий ва илмий-педагогик ишларда малакага эга бўлишга, магистрлик унга ёндош ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлиш учун илмий тадқиқот ишини олиб боришга, мутахассислик бўйича аспирантурада ўқишга тайёрлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими таркибида магистрлик академик даражаси, бакалавр даражасидан кейин ва фан номзоди илмий даражасидан олдин туради.

Магистрлик даражасига эга бўлган мутахассис чуқур билимга, фундаментал илмий базага, илмий-тадқиқот услубига эга бўлиши, замонавий информацион технологияларда ишлаши, илмий ахборотларни олиш, қайта ишлаш ва сақлашни, махсус фанлардан ўқув-услубий маълумотларни ишлаб чиқишни билиши керак.

## 1. АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Магистрлик диссертацияси (бундан кейин матнда диссертация иши деб юритилади) магистратурада таълим олаётган талабанинг яқунловчи иши ҳисобланади. Диссертация иши талабанинг ўқиш давомида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тадқиқот ишларининг натижасидир.

Диссертация иши мавзулари талабаларга биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки hafta давомида тақдим этилади.

Диссертация иши мавзуси ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фан-техника, шу жумладан, тўқимачилик, енгил саноат ва матбаа соҳалардаги илғор ва долзарб масалаларга бағишланиб, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлиliga қаратилган бўлиши шарт.

Магистрлик дастурининг якуни бўлиб давлат квалитикацион аттестацияси (магистрлик диссертацияси ҳимояси) ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида талабалар:

-илмий-тадқиқот изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўлларини ўрганиши:

-ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни маълумот ва натижалар шаклида мужассамлаштира олиши:

-танланган мавзунинг долзарблигини асослаши:

-соҳа бўйича ечилаётган илмий – техник, илмий тадқиқот масала ҳолатини таҳлил қилиш:

-илмий-техника, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириши, қўйилган масалани ечиш усуллари кўриб чиқиши ва энг самарасини аниқлаши:

-энг самарали, муқобил ечимни илмий, конструкторлик, технологик ва техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб бериши:

-энг самарали, муқобил ечимнинг патентга лойиқлиги ва патент софлигини тадқиқ қилиши:

-илмий-техника масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантириши ҳамда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида қўллаш имкониятини аниқлаши лозим.

Диссертация иши танланган мавзунинг илмий асосларига ва натижаларига эга бўлган илмий ёки илмий-амалий мазмундаги якуний малакавий ишни назарда тутуди. Мазкур илмий иш таълим, фан, техника-технология ва иқтисоднинг ривожланиш даражасига, жаҳон тажриба ва амалиёти асосида техника ва технология сиёсатини аниқлашга, таълим ҳамда тармоқ тизимидаги муассаса, корхона, ишлаб чиқариш ва ташкилотларнинг самарадорлигини оширишга мос бўлиши керак.

Диссертация ишининг мавзуси долзарб бўлиши ва асосан тўқимачилик, енгил саноат технологияси, матбаа ва иқтисодиёт соҳасидаги аниқ илмий, илмий-техникавий, илмий-тадқиқот масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлиши шарт.

Диссертация иши шундай кўринишда такдим этилиши керакки, унинг асосида мазкур диссертация мазмуни қай даражада кўрсатилган ва асосланганлигини, уларнинг янгилигини аниқлаш осон бўлиши керак. Бундай ишдан олинган натижалар муаллифда танланган касбий фаолият соҳасидаги илмий ишда дастлабки малакаси борлигини намойиш этмоғи лозим.

Мазкур ишнинг бажарилиши, унинг муаллифи мустақил илмий (амалий) изланиш олиб боришини, мукаммал муаммоларни топиши ва уларни ҳал қилиш йўллариини ўрганганлигидан далолат бериши керак.

Магистрлик диссертациясининг муаллифи ишни бажаришида ўзининг илмий малакавий даражасини, айниқса мустақил илмий изланишни олиб боришини ва аниқ илмий-техник масалаларни ҳал этишини кўрсата билиши керак.

Номзодлик диссертациясидан фарқли равишда, магистрлик диссертацияси магистрнинг билим даражасини ифодалайди, чунки магистрлик даражаси - бу академик даражадир.

Магистрлик диссертацияси мантиқий ўйланган режа асосида ёзилади. Мазкур режа муаммо, таҳлил ва илмий-амалий масалаларни ҳал этиш йўллариини ифодалайди. Хорижий тажрибаларни ўрганиб ва йиғилган материалларини қўллаб,

магистрант диссертацияда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш йўллари, миллий таълим тизими ва иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ва тармоқ корхоналари тизимини ҳисобга олиб аниқ мантиқий таклифлар киритади этади.

Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишдан аввал тадқиқот мавзуси бўйича камида битта илмий мақола ёки мазкур йўналиш бўйича камида иккита конференцияларда маъруза билан қатнашиб, маъруза тезислари тўпламида чоп қилиниши тавсия этилади.

## **2.МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИГА ИЛМЙ РАҲБАРЛИК**

Диссертация ишига раҳбарлик юқори малакали, фан доктори ёки фан номзоди илмий даражага эга бўлган кафедранинг профессор ва доцентлари, шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ривожлантириш ва ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари илмий марказлари олимлари, конструкторлик бюрolari ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали амалиётчи мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Бир ўқув йилида фан докторлари, профессорларга 5 тагача, фан номзодлари, доцентлар ва амалиётчи мутахассисларига 3 тагача магистрлик диссертациялирига раҳбарлик қилишга рухсат этилади.

Одатда магистрлик диссертация ишига бирта илмий даража ёки унвонга эга илмий раҳбар белгиланади. Илмий даража ёки унвонга эга бўлмаган, аммо етарли даражада ишлаб чиқариш, илм-фан соҳасида камида 15 йил тажрибага эга шахсларга институт илмий кенгашининг қарори билан илмий раҳбар сифатида тавсия этилиши мумкин.

## **3.МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Магистрлик диссертациясининг вазифаси олиб борилган тадқиқот мавзуси бўйича олинган умумий ахборотни пухталашни, йиғилган илмий ва амалий

далилларни магистр ихтиёри билан тартибга солишни назарда тутди. Магистр диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамиятини исботлаб тасдиқлайди.

Магистрлик диссертацияси мустақил илмий-тадқиқот бўлиб ҳисобланади, чунки унинг асосини илмий ёки илмий-техникавий масалаларнинг ҳақиқий ҳолатини моделлаштиришни назарда тутган конкрет мақсад ва вазифаларни аниқлайди.

Магистрлик диссертациясининг муаллифи илмий-тадқиқотни мустақил олиб бориши, махсус муаммоларни топиши ва уларни ҳал қилишнинг умумий усул ва қоидаларини қўллаш билишдан гувоҳлик бериши керак.

Магистрант диссертация мавзусидан келиб чиқиб, қўйилган муаммони тўғри аниқлаши ва тадқиқот олиб бориш режасини тузганлиги диссертацияда ҳал қилинаётган масалаларни тўғри ечишга имконият беради.

Диссертациянинг ёзилиши, тайёрланиши ва очиқ ҳимоя қилиниши магистрантнинг танлаган аниқ мавзуси бўйича нечоғлик мустақил тадқиқот олиб бориш тажрибасига эга бўлганлигидан гувоҳлик беради.

#### **4.МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ МАВЗУСИ ВА РЕЖАСИНИНГ АСОСЛАНИШИ**

Диссертация мавзуси магистрант томонидан муайян мутахассислик бўйича олдиндан кафера профессор-ўқитувчилари ва илмий раҳбарлари томонидан тайёрланган диссертация мавзулар рўйхатидан мустақил танлаб олинади. Бунда магистрант ўз тажрибасига ва мазкур соҳа муаммоларини билишига, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имкониятига, хорижий тилни билишга асосланиши лозим.

Магистрант томонидан танланган диссертация мавзуси дастлаб кафедрада муҳокама қилинади ва кафедра томонидан тавсия қилинган илмий раҳбар билан келишилади. Илмий раҳбар илмий даража ёки унвонли ва мазкур мутахассислик бўйича диссертацияларга раҳбарлик қилиш тажрибасига эга бўлиши керак.

Диссертация мавзусининг аниқ танланиши маълум даражада унинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди. Мавзунини танлашда магистр



диссертация ишининг лойиҳаси таълим олаётган магистрлик дастурининг доирасига мос келиши лозимлигига эътибор берилиши керак.

Кафедра тақдимномасига мувофиқ диссертация иши мавзулари ва илмий раҳбарлар институт магистратура бўлими тавсияси асосида ректорнинг буйруғи билан тасдиқланади.

Тўлов –контракт асосида таълим олаётган талабалар томонидан бажариладиган диссертация ишлари мавзулари буюртмачи ташкилотлар томонидан тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Танланган мавзу бўйича магистрант илмий раҳбари иштирокида мазкур диссертациянинг тадқиқот олиб бориш иш режасини тузади. Одатда илмий раҳбар магистрлик диссертацияси режасини ишлаб чиқишга магистрант томонидан тадқиқот мавзуси бўйича етарли адабиётлар рўйхати тузилгандан сўнг киришади. Тўғри тузилган режа илмий изланишнинг самарали ўтказилишини таъминлайди.

## **5.МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНING МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИ**

Диссертация ишининг таркибини ишлаб чиқиш магистрлик диссертациясининг асосий босқичи бўлиб ҳисобланади. Диссертация таркибининг тўғри тузилиши магистрантга илмий изланиш, мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалашни, қўйилган мақсадга эришиш усуллари, йўллари ва объектларини, ҳамда диссертация ишининг босқичларини тўғри тайёрлашга имконият беради. Диссертация таркибини ишлаб чиқиш учун магистрант изланиш бўйича дастлабки манбааларни, адабиётларни, хорижий маълумотларни, маҳаллий, илмий, статистик ва бошқа тегишли манбаларни мукамал ўрганиш лозим.

Тадқиқот лойиҳаси мутахассислик кафедраси йиғилишида муҳокама қилинади ва диссертация мазмуни бўйича керакли таклиф ва мулоҳазалар берилади.

Магистрлик диссертацияси таркиби ва тузилишида қуйидагилар қайд этилади:

- диссертациянинг сар варағи қуйидагича ёзилади (титул варағи, 1-илова):
- диссертациянинг мундарижаси 1-2 бет;

- кириш қисмида магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (тахлили), тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, иш тузилмасининг тавсифи келтирилади 4-6 бет.

-адабиёт шарҳи қисмида берилган муаммонинг замонавий ҳолати (икки уч қисмдан иборат бўлиши мумкин) 15-20 бет.

-тадқиқот объекти ва синов услублари қисми тадқиқот объекти ва предмети ва экспериментал услубларини танлаш ва асослаш, ҳамда синов услублари 5-10 бет;

-олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси қисмида тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш, изоҳлаш ва синов натижалари графиклари (3-5 қисм, бўлим ёки параграфлардан иборат бўлиши мумкин) 30-35 бет.

- хулоса (хулоса, тавсиялар ва таклифлар) 1-2 бет;

- адабиётлар рўхати - 4-5 бет;

- илова.

Магистрант томонидан бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг дастлабки, бошланғич маълумотлар, лаборатория асбоб-ускуналарнинг таҳлиллари, диаграммалари, спектрлари, қўшимча ва ёрдамчи материаллар, синов, қўлланилиш, татбиқ этиш далолатномалари, чоп этирилган илмий мақола ёки тезислар тўпламларининг нусхалари ва шунга ўхшаш материаллар келтирилади.

Магистрлик диссертацияси илмий иш сифатида даврий илмий журналлардаги мақолаларга қўйиладиган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Сар варақ диссертациянинг 1-бети ҳисобланади ва қатъий белгиланган қоидалар асосида тўлдирилади. Сар варақдан сўнг диссертацияда мундаража жойлаштирилади. Мундарижада диссертациянинг боблари, параграфлари ва бошқа бўлимлари кўрсатилади.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, диссертацияда кўриладиган муаммо, мақсад ва вазифалар акс этирилади ва қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;

- тадқиқот объекти ва предмети;
- тадқиқот мақсади ва вазифалари;
- илмий янгилиги;
- тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
- тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили);
- тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи;
- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
- иш тузилмасининг тавсифи.

*Биринчи бобда* мавзу ва қўйилган масалалардан келиб чиқиб, адабиёт шарҳи берилади. Унинг асосий мақсади қўйилган масала қай даражада ўрганилганлигини аниқлашдан иборатдир.

Магистрант илмий-тадқиқот манбааларини ўрганаётганда қайси муаммо ҳал этилганлиги ёки ечилмаганлиги, ҳамда нимани янгидан ўрганиш кераклигини топмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир манбаага магистрант илмий-иждодий ва танқидий ёндашмоғи керак.

Илмий-техник масалани ҳал қилишда:

- танланган мавзунинг долзарблигини асослаш;
- ҳал қилинадиган муаммонинг адабий шарҳ асосида таҳлил қилиш;
- илмий-техник, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириш, мазкур муаммони ечиш вариантларини кўриб чиқиш ва оптимал вариантини танлаш;
- оптимал вариант учун техник-иқтисодий, технологик конструкторлик ёки ҳисобларни илмий асослаш ва тажрибада исботлаш;
- оптимал вариантни патентбоплиги ва патент софлигини тадқиқ этиш;
- илмий-техник масалаларни ҳал қилиш натижаларига кўра хулоса ва таклифлар бериш ва тегишли соҳаларда тадбиқ этилиш имкониятларини аниқлаш каби хусусиятлар инобатга олиниши керак.

Адабиёт шарҳи натижасида диссертация иши мақсади ва вазифалари қайта аниқланади. Шунингдек тақрибий ҳисоблар, таҳлилларга таяниб мавзунинг долзарблиги асосланиб, пировард мақсад ва вазифалар белгиланади.

*Иккинчи боб* диссертациянинг асосий қисми бўлиб, унда назарий ва амалий масалалар ёритилади. Унда тадқиқот ишлари олиб бориш объекти ва услублари, олинган синов натижаларини мезонлар асосида солиштириш ва қайта ишлаш услублари батафсил ёритилади.

Дастлабки ахборот натижалари келтирилиб ўрганилган манбаалардаги маълумотлар билан қиёсланиб таҳлил қилинади ёки бутунлай янги натижалар (янгиликлар) олинганлиги таъкидланади.

*Учинчи бобда* дастур асосида тажрибалар, тадқиқотнинг бошқа турлари аниқ режага биноан стандарт ёки ностандарт усулда ўтказилганлиги баён этилади. Дастлабки натижаларни қайта ишлаш стандарт ёки ностандарт усулларда математик статистика қоидаларига риоя қилиниб, компьютерда бажарилиши тавсия этилади.

Олинган натижаларнинг ишончлилик даражаси математик статистика мезонлари билан кафолатланади.

Омиллар, натижалар орасидаги боғланиш қонуниятлари классик усуллардан ёки компьютердаги дастурлардан фойдаланиб тузилади ва экспериментал (тажриба) натижалари назарий қонуниятлар билан таққосланиб таҳлил қилинади. Улар асосида тегишли ўрганилаётган объект, жараён, маҳсулот сифати, услубиятлар бўйича хулосалар чиқарилади. Натижалар, график ва жадваллар Давлат стандартлари талаблари ва қоидаларига риоя этган ҳолда расмийлаштирилади.

*Хулоса.* Диссертация ишида алоҳида боблар ҳам хулоса ва таклифлар билан яқунланади, лекин унинг асосийлари ишнинг «хулоса» бўлимида жамланади. Бунда диссертация ишининг «Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси» бобидаги асосланган илмий янгилик ва ютуқлар аниқ ва рашан ёритилиши лозим.

## **6.ДИССЕРТАЦИЯ ҲАЖМИ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ**

Магистрлик диссертацияси бўлимларини кетма-кетликда баён қилиш ва уларнинг бир-бирига узвий боғлиқликда бўлиши асосий талаблардан биридир.

Диссертация бобларининг мазмуни магистрлик изланишининг асосий мақсадига жавоб бериши керак. Кетма-кетликни бузувчи материал диссертацияга киритилмайди. Айрим материаллар диссертация охирида илова сифатида алоҳида келтирилиши мумкин.

Магистрлик диссертацияси нашриёт амалиётида қабул қилинган стандартга мувофиқ тикиб муқоваланган бўлиши керак.

Магистрлик диссертациясининг умумий ҳажми 60-80 варақ матндан (иловалардан ташқари) иборат бўлиб, А4 (21x29) формат қоғозга компьютерда компьютерда 1,5 интервалда, Times New Roman, 14 шрифтда ёзилган бўлиши шарт. Матннинг чап томони 30 мм, юқори томони 2,5 мм, ўнг томони 1,5 мм ва қуйи томонида 2,5 мм бўш майдон бўлиши керак.

Бетнинг тартиб рақами саҳифанинг ости ўртасига қўйилади.

Магистрлик диссертациясида алоҳида рақамли материаллар жадвал сифатида расмийлаштирилади. Жадвал мазмунига қараб таҳлилий ва ишчи жадвалларга бўлиниши мумкин. Таҳлилий жадваллар умумий хулоса ёки шарҳлашни, муаммонинг ечимини ўрганмоқни тақозо қилади. Магистрлик диссертациясида таҳлилий материал устун келиши, яъни магистрантнинг изланиш муаммоси аниқ даражада ўзлаштирилганлигини кўрсатиш керак. Статистик маълумотлар фақатгина фактларни тасдиқлаш учун ишлатилади.

Манбаага таянмасдан диссертация матни нашр қилиниши маън этилади.

Агар жадвал кейинги бетга ўтса, жадвал сарлавҳаси яна қайтарилиши лозим, бунинг учун жадвалнинг ўнг тепа қисмига «жадвалнинг давоми» деб ёзиб қуйиш керак. Жадвал маълумотлари ҳаддан ташқари катта бўлганда фақат жадвал ичида 1,0 интервал ва 12 шрифтда ёзилиши мумкин.

Диссертация ишидаги иллююстрация, схема, диаграмма, спектр, фотография, эскиз, ва шунга ўхшашларни расм деб белгиланади. Агар расм бирта бўлса, расмнинг остига рақами ва номи, расм иккита бўлса, *a*, *b* билан белгиланиб, *a* ва *b* нимани англатиши изоҳланади. Бундан ташқари расмда *1*, *2*, *3*, ... ва ҳ.к лар бўлса улар ҳам номланади. Расм ости тушунтиришларни ҳам 1,0 интервалда ёзишга рухсат этилади.

Диссертациянинг ҳар бир боби янги бетдан бошланиши лозим.

Бобнинг ёки сарлавҳанинг ораси асосий матндан қўшимча равишда берилган интервал асосида ажралиб туриши керак.

## **7.БОШ МАНБААЛАРНИНГ БИБЛИОГРАФИК ТАВСИФИ**

Магистрант томонидан бевосита келтирилган манбаа библиографик тавсифланади ёки каталогдан ва библиографик кўрсаткичдан ҳеч қандай белгини қолдирмасдан кўчириб олиниши керак.

Библиографик тавсифда манбалар изчиллик билан қуйидагича жойлаштирилиши мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асари ва илмий рисоалари шаҳар, нашрёт, йил, ой, бет ва ҳ.к.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари шаҳар, нашрёт, йил, ой, бет ва ҳ.к.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари шаҳар, нашрёт, йил, ой, бет ва ҳ.к.

4. Меъёрий техник ҳужжатлар материаллари.

5. Расмий кўрсатмалар, йўриқномалар.

6. Статистик материаллар, статистик тўпламлар.

7. Педагогика ва таълимга оид материаллар ва ҳ.к.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон буйруғи билан тасдиқланган «Магистратура тўғрисида Низом».

2.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив ҳужжатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 май 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг намунавий тартиби.

3.Правила оформления диссертации и автореферата.-Под редакцией проф. М.Мухиддинова.-Ташкент, ВАК РУз, 2004.-22 с.

4.Комаров М.С. Основы научных исследований.-Львов: Изд-во ВШ, 1982. - 128 с.

5.Ладыга И.Ф. Методические рекомендации по оформлению диссертации и автореферата: Учебно-методическое пособие.-Ленинград: Изд-во ВАА, 1986, -122 с.

6.Марьянович А.Т. Эрратология или как избежать наиболее неприятных ошибок при подготовке диссертации.-М.: Вузовская книга, 1998.-176 с.

7.Новиков А.М. Как работать над диссертацией: Пособие для начинающего педагога-исследователя. -2-е изд., перераб. и доп. -М.: Издательство ИПК и ПРНМО, 1996.-112 с.

8.<http://www.dad.idmnet.ru>

9.<http://www.commission-junction.com>

10.<http://www.informika.ru>

11.<http://www.fima.net>

12.<http://www.dis.finansy.ru>

13.<http://www.vak.uzsci.net>

диссертация муқоваси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК 677.021.017

САЙДАЛИЕВ ФАЙЗУЛЛАХОН ҒУЛОМОВИЧ

МАҲАЛЛИЙ ЖУНДАН НОТЎҚИМА МАТОЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚИСҚА  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мутахассислик: 5А320905-«Тўқимачилик ва енгил sanoat маҳсулотлари  
материалшунослиги, экспертизаси ва сифат назорати (тўқимачилик, енгил ва пахта  
sanoati)»

Магистр академик даражасини  
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:  
т.ф.н., доц. М.Қ.Қулметов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 й.

Тошкент-2018